



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 7-mart. Shanba 27 (31.930)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

8 MART — XALQARO XOTIN-QIZLAR KUNI

Ватандек муқаддас, баҳордек гўзал

«Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар 6 март куни Тошкентдаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали тадбирда сенаторлар, депутатлар, ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, маданий-маърифий соҳаларда меҳнат қилаётган фидойи аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова ва бошқалар истиклол йилларида мамлакатимизни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу савий-ҳаракатларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.



«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида мўтабар онахонларга эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, табаррук ёшдаги инсонларнинг бой ва сермазмун, ибратли ҳаёт тажрибасидан ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиклол гоёларига садоқат руҳида

камол топтиришда кенг фойдаланишга доир амалий ишлар кўлами тобора ортмоқда.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2015 йилги соҳибалари эълон қилинди. Уларга мазкур мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар

уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайиди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ганиев ва бошқалар хотин-қизларни байрам билан қутлади.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди. Йиғилишда Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Давлат бюджети маблағлари оқилон сарфланиши керак

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ҲУДУДЛАР ВА СОҲАЛАР РИВОЖИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАБЛАҒЛАР АНИҚ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИГА ЭРИШИШ ЗАРУР. БУ АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ОРТИШИДА, ДОЛЗАРБ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ЕЧИМ ТОПИШИДА ВА АЛБАТТА, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.



2

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши

Аввало, партияимизнинг аъзолари бўлган барча хотин-қизларни, фаол аёлларимизни, бизга хайрихоҳ она-сингилларимизни байрам билан табриклаймиз.

Жамият ҳаётининг ҳамма соҳасида самарали меҳнат қилаётган, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азиз аёллар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Барчангизга мустақкам соғлиқ, оилавий бахт, эзгу ишларингизда муваффақият тилаймиз!

Сайлов участкаларида

Яккабоғ туманидаги «Истиклол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунард коллежига шу кунларда келувчилар кўп. Чунки бу ерда Президент сайлови ўтказиш бўйича сайлов участкаси жойлашган.

Туманда жами 68 та сайлов участкаси ташкил этилган, — дейди ҳамроҳим — туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича бош мутахассиси, ЎЗХДП аъзоси Собир Орипов. — Улар аҳоли жойлашуви ҳамда сайловчилар учун қулай манзилларда тузилган. Ҳозир шулардан биттаси — 867-сайлов участкасига келдик. Юринг, яратилган шароит, қилинаётган ишлар билан танишамиз.

— Ҳозиргина нуронийларни

кузатиб қўйдим — дейди участка сайлов комиссияси раиси Шодмон Эргашев. — Улар билан анча суҳбатлашдик. Умуман, сайловга таёргарлик юқори суръатлар билан кетмоқда, аҳоли билан тез-тез учрашувлар бўлиб турибди. Мутахассислар келиб сайловга оид қонунлар, янгиликлар юзасидан суҳбатлар ўтказиб кетишяпти.

— Биргина бу жойда эмас, бошқа сайлов участкаларида ҳам учрашувлар, давра суҳбатлари ўтмоқда, — дейди ЎЗХДП Якка-

боғ туман кенгаши раиси Неймат Жумаев. — Сайловолди ташвиқотида фаолларимиз, депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчиларини жалб қилганмиз. Президентликка партияимиздан кўрсатилган номзоднинг дастури ва тарғибот воситаларини тарқатяпмиз. Аиниқса, ёшларга сайловнинг аҳамияти, қонунларимиз мазмун-моҳиятини кенгрок тушунтиришга эътибор беряпмиз.

Шароит билан танишамиз. Бинонинг фойесида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг суратлари акс этган алоҳида плакатлар иилиб қўйилган. Сайловчилар учун ҳар бир номзоднинг таржимаи ҳоли, дастури билан танишиш имконияти мавжуд. Участка сайлов ко-



миссиясига ажратилган хона талаб даражасида жиҳозланган. Бу ерда Президент сайлови билан боғлиқ барча саволларга жавоб топасиз.

Биз тумандаги 682, 680 ҳамда 673-сайлов участкаларини ҳам кўздан кечирдик. Барчасида сайловларга юқори даражада тайёргарлик кўрилмоқда. Ҳамроҳим йўл-йўлаккай 85 ёшли меҳнат фариши Хидир Бегнаев хонадонига бошлади. Узоқ йиллар масъул

лавозимларда меҳнат қилган партияимиз фаоли куйдаги фикр-ни билдирди:

— Сайлов — ҳаётимиздаги муҳим воқеа. Чунки унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Мен ҳам бир сайловчи сифатида ўзим сайлов участкасига бориб, муносиб номзод учун овоз бераман.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Президентликка номзод
Ҳотамжон Кетмонов
сирдарёлик сайловчилар
билан учрашди

Сайлов кампанияси даврида
партия ташкилотлари ишини ўзаро
мувофиқлаштириш ва тизимли олиб
бориш талаб этилади

Давлат бюджети маблағлари оқилона сарфланиши керак



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқиладиганда депутатлар, партия экспертлари айнан ана шу масалага алоҳида эътибор қаратди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунга кўра, Қонунчилик палатаси ҳар йили 15 майдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиши. Ҳисоб палатаси ўтган йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот тақдим этди.

Мазкур палата бош инспектори Аҳмадали Ҳамроқуловнинг қайд этишича, ҳисобот йилида назорат ишлари 33 та йўналишда 149 та объектда амалга оширилган. Хусусан, Давлат бюджетининг республика ва маҳаллий даражадаги ижроси, Навоий ва Андижон вилоятларида давлат маблағларининг қонуний, мақсадли ҳамда самарали сарфланиши, бюджетдан молиялаштирилувчи муассасаларнинг бу борадаги фаолияти текширилган. Худудлар

ва тармоқлар бўйича Давлат бюджетининг тармоқлар қисмининг тўғри шаклланиши, бюджет ижросининг тўлиқ бажарилиши таҳлил этилган. Кўрсаткичларнинг ҳаққонийлиги, реаллигига баҳо берилган. Шунингдек, маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтириш, харажатларини оптималлаштириш ва дотация даражасини камайтириш бўйича қўйилган чора-тадбирлар натижалари ҳудудларга чиқиб ўрғанилган.

Фарҳод УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— Ҳисоб палатаси давлат бюджетининг тармоқларининг истиқбол кўрсаткичлари ҳаққонийлиги, иқтисодий тартиқдор тараққиёт этиштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда молиявий ресурслардан тежамли, са-

марали ва мақсадли фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойлари ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох этишга доир молиявий масалалар ўрганилган. Мазкур жараёнларда амалга оширилган таҳлиллар натижалари ижтимоий соҳага йўналтирилётган маблағларнинг қанчалик самарали ишлатилгани ҳақида ҳолис ҳисоб чиқариб олишга, тегишли чоралар белгилашга асос бўлади. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари рўйбга чиқишида, электорат манфаатлари ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, вилоятларда аҳоли, хусусан, касб-хунар қоллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалаларда камчиликларга йўл қўйилган. Бундай салбий ҳолатлар билан мурожаат қилиб бўлмайди. Чунки бу ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларимизнинг келажаги, тақдири билан боғлиқ жуда долзарб масала. Шунинг учун фракциямиз мутасадди идора ва ташкилотларнинг бюджет маблағлари ижроси бўйича масъулиятини, жавоб-

гарлигини ошириш ишларини қучайтириш тақдирини илгари сурамиз.

Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатламлари ва ишга жойлаштиришда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларнинг манфаатлари ҳимоясида янада жиддий эътибор қаратиш талаб этилмоқда.

Ҳисоботда мазкур тизимга бевосита масъул бўлган қатор ташкилотлар иш фаолияти бўйича ўтказилган назорат тадбирлари ҳулосалари ҳам келтирилган. Маълум бўлишича, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Иш билан

Молиявий хато ва камчиликлар аксарият ҳолларда бюджет ташкилотларида ишлайдиган молия-иқтисодчи ҳамда ҳисобчи ходимларнинг малака кўникмалари етишмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда.

таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, шунингдек, йўл жамғармаси маблағлари ижросида, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга нафақалар тайинлашда камчилик ва муаммолар бор. Бу одамларнинг турмуш шароити, ижтимоий ҳаётига салбий таъсир қилади. Айни шу соҳаларда назорат ишларини қучайтириш, қонун ва қонуности ҳужжатларини тақомиллаштиришни тақдир қиламиз.

Комила КАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Айрим қорхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилган деб қайд этилган ўрта махсус касб-хунар коллежлари битирувчилари аслида ишламаётгани ёки уларга қонунчиликда белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдоридан паст даражада иш ҳақлари ҳисоблангани аниқланган.

Фракциямиз фикрича, молиявий хато ва камчиликлар аксарият ҳолларда бюджет ташкилотларида ишлайдиган молия-иқтисодчи ҳамда ҳисобчи ходимларнинг малака кўникмалари етишмаслиги оқибатида келиб чиқмоқда. Шунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар ходимларнинг касбий малака ва билимларини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Фракциямиз қароридан бу масалалар аниқ кўрсатилади.

Йиғилишда Ҳисоб палатасининг бошқа йўналишлар бўйича олиб борган ишлари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, сиёсий партиялар молиявий даромадларининг шаклланиши ҳамда уларнинг мақсадли сарфланиши ўрганилган қайд этилди. Берилган тақдирлар сиёсий партияларнинг молиявий йўналишдаги фаолиятини тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган ҳар бир масала бўйича депутатлар вазирлик ва ташкилотлар ходимларига ўзларини қизқитириш саволлар билан мурожаат этилди.

ЎзХДП фракцияси Ҳисоб палатаси 2014 йилги фаолияти давомида фақат етказилган зарарларни ундириш билан чекланиб қолмасдан, аниқланган тизимли хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдирлар тайёрлагани, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида давлрлик ва идоралар билан бирга ишлаётганини ижобий баҳолади.

Фракция ўз тақлиф ва тавсияларини берган ҳолда Ҳисоб палатасининг 2014 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини маъқулади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

■ *Хоҳ ишда, хоҳ уйда, қайси даврада бўлмасин, халқимиз аёла юсак ҳурмат, эҳтиром кўрсатади. Чунки аёлни оила ва жамиятдаги меҳнати, ўрнини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.*



Назира МАТКУБОВА,
ЎзХДП фаоли

Аёлнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам қадри баланд

Бугун жамиятнинг бирор соҳаси йўқки, унда хотин-қизларнинг иштироки бўлмаса. Конституциямизнинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб белгиланган. Асосий қонунимизда ўз аксини топган мазкур ҳуқуқий меъёр бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, бу давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, сиёсий-ҳуқуқий билиминини мустаҳкамлашда муҳим асос бўлмоқда.

Бир мисол. Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ўзгаришларга асосан сиёсий партиялардан депутатликка қўйилаётган номзодлар орасида хотин-қизлар 30 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланган бўлибди. Бу меъёр Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб бизда жорий этилди. Бу аёлларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашда муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиямиздан 5 нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 440 нафардан ортиқ депутат аёл фаолият юритяпти. Партиямиз аъзоларининг 45 фоиздан ортигини аёллар ташкил этади. Шунингдек, фаол хотин-қизларимиздан 3 нафари партия-мизнинг вилоят кенгашларига, 41 нафари туман, шаҳар кенгашларига, 3550 дан ортиғи партия бошланғич ташкилотлари раҳбарлик қилиб келишмоқда.

Кўриниб турибдики, аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораёпти. Бу ўз навбатида, партиямиз дастурий мақсадларини амалга ошириш ва электорат манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни ўйлан-тираётган масалаларни ҳал қилиш, бу борадаги ташаббусларни, рўйбга чиқаришда партиямизнинг, «Фаол аёллар» қаноти ўзига хос ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг қонуний асосларини янада тақомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, жойларда хотин-қиз-

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиямиздан 5 нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 440 нафардан ортиқ депутат аёл фаолият юритяпти.

ларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш, турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилишти, турли тадбирлар ўтказилляпти.

Хусусан, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уйда ўтирган, бола тарбияси билан банд бўлган аёллар, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича қатор ташаббуслар илгари сурилиб, амалга оширилмоқда. Бунда коллежларда тахсил олаётган қизлар касб-хунар сирларини янада пухта эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партиямиз ташаббуси билан ўтган йили барча худудларда «Соғлом бола соғлом оилда камол топади», «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳалари доирасида қўлаб амалий тадбирлар ўтказилди.

Албатта, ҳар бир лойиҳа, ҳар бир тадбир ўзининг самараси билан аҳамиятли. Шу вақтгача аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида 10 минг нафарга яқин хотин-қизлар ишга жойлаштиришга кўмаклашилди. 700 нафардан ортиқ аёл ва коллеж битирувчиси бўлган қизларга ўз ишини бошлаши учун кредит олишга кўмаклашилди. 4 минг нафардан ортиқ хотин-қиз касаначилик меҳнати-га жалб қилинди.

Жорий йилда бу борадаги ишларни янада жонлан-тириш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Масалан, бу йил партиямиз сафидаги хотин-қизлар салоҳиятини рўйбга чиқариш, юқори сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган хотин-қизларни аниқлаш ва қўлаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Айём муносабати билан, сафимиздаги фидойи аёлларни, мамлакатимиздаги барча хотин-қизларни чин қалбимдан табриклаймиз. Ҳар бир оила, бутун жамия-тимиз бахтига оналаримиз, опа-сингилларимиз ҳам-иша соғ-омон бўлсин!

ОЛИС ҚИШЛОҚ ХУДУДЛАРИДА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ЁРДАМДАН ҚУЛАЙ ВА ТЕЗ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ ТАРМОҒИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРАЛАР КЎРИШ, ИМТИЁЗЛИ ВА БЕПУЛ ТАРЗДА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИЛИШИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТГА ЭГА.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ХОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ДАСТУРИДАН

■ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР УЧРАШУВИ

Номзоднинг дастуридаги тақлифлар маъқулланди

■ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи 6-Наманган сайлов округи ҳудудида ҳам сайловолди ташвиқоти қизгин кечмоқда. Наманган туманида Президентликка Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмоновнинг ишончли вакили сайловчилар билан учрашди.

199-участка сайлов комиссияси раиси Тамара Мавлонова учрашувни очғач, ишончли вакил Абдуғаффор Қирғизбоев номзоднинг таржимаи ҳолига доир маълумотларни ўқиб эшиттирди. Сўнгра у сайловчилар эътиборини номзоднинг дастурига қаратди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ғоявий мақсадлари, партиянинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида тўхталди.

— Хотамжон Кетмоновнинг дастури партиямиз дастурий мақсадлари билан ҳамоханг, — деди ишончли вакил. — Номзод ўз дастурида иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига, давлатимизнинг

молиявий ва иқтисодий қудратини кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш орқали қўлаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатлами турмуш даражасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратган.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган хизматлар ва товарлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш, замонавий технологиялардан фойдаланишни қучайтириш орқали уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш, шуларга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантириш масалалари номзоднинг дастуридан кенг ўрин олган.



Гуляў ТОШМАТОВА олган сурат.

Қишлоқ ҳудудларида бепул ва имтиёзли асосда малакали тиббий санитария ёрдами кўрсатилишини тартибга солиш тегишли қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат назоратини қучайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш каби йўналишлар сайловчилар томонидан маъқулланди.

Президентликка номзоднинг дастури юзасидан **туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш**

бўлими мудир ўринбосари Камола Ботирова, туман тиббиёт бирлашмаси ички касалликлар бўлими мудир Дилфуза Абдурахимова, тумандаги педагогика коллежи директорининг ўринбосари Муҳайё Эшонқулова ва бошқалар сўзга чиқиб, дастурда илгари сурилган масалаларни қўлаб-қувватлашни билдирди. Сайловчиларни Хотамжон Кетмоновга овоз беришга чақирди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП тизимида ўТКАЗИЛАЁТГАН СИЁСИЙ ЎҚУВЛАРДА САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ ВА САВИЯСИНИ ОШИРИШ, МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ТУШУНЧАСИНИ БОЙИТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛЯПТИ.



■ ЎзХДП КЕНГАШЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН САЙЛОВ ШТАБЛАРИДА САЙЛОВОЛДИ ИШ РЕЖАСИ АСОСИДА САЙЛОВЧИЛАР ВА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ТУРЛИ УЧРАШУВ ҲАМДА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА.

ТАБРИКЛАР

АЁЛГА ЭҲТИРОМ — ҲАЁТГА ЭҲТИРОМ

Тоҳир Малик,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Таквимда 8 март бир йилда бир марта бўлса, оилада 360 кун бўлиши керак, деб ҳисоблайман ва шунга амал қиламан. Онам голланд пишлогини яхши кўрардилар, у пайтда бунақа нарсани топиш қийин эди, лекин барибир топиб олиб келиб берардим.

Мен гул совға қилишга қаршиман, чунки гулнинг ҳам жони бор, уни юлгандан кейин қуриб қолади. Кеннойингизга гул эмас, пул берганман, ойлик маошимнинг ҳам-маси шуники бўлган, у ҳам бу пулни кўпроқ болаларга кийим-бош олиш учун сарфлаган, болаларнинг хурсандчилигини кўриб, кеннойингиз ҳам хурсанд бўлган.

Қизларим байрамда нимани хоҳлашса, ўша нарсани олиб берганмиз. Энди ҳозир замон бошқача, ёшлар телефон, планшетни орзу қилишади. Шунинг учун замон зайлига қараб, неварам Ҳилолага планшети совға қилдим.

Эркин Шамсиев,

меҳнат фахрийси, Тошкент шахри:

— Мен қарийб ярим аср ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида меҳнат қилдим, кўп йиллар Тошкент метрополитенининг саноат қурилиш бўлими бошлиғи бўлиб ишладим.

Оила қурганимда турмуш ўртоғим Маҳфузахонга бир марта гул совға қилганман. Ундан кейинги байрамларда ўзининг истаги билан хоҳлаган нарсасини олиб берадиган бўлдим.

8 март куни албатта уйда бўлиб, байрам дастурхони тузайман, энг танисқ таомлар тайёрлайман. Бу йил ҳам байрам дастурхонини безаш ўғлим билан иккимизнинг зиммамизда, бувижонисини табриклашга келган набираларимиз, қизларимиз билан бағримиз тўлади.

Неварам Иродахон 2013 йил 10 ёшида Парижда ўтказилган Халқаро пианиночилар танловида иккинчи ўринни эгаллади. Унинг бу ютуқларга эришишида албатта бувижонисининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Абдурахим Обломуродов,

олий тоифали шифокор, Самарқанд вилояти:

— Ўзбекнинг уйи кўпчилик билан файзли. Оилада уч ўғил, уч қизимиз бор, ҳар гал 8 март байрамда қизларимни гулга бирорта совға қўшиб табриклайман. Турмуш қурганимизда умр йўлдошим гул эмас, тикув машинаси совға қилишни сўраган. Гул арзонда, лекин қарз-қавола қилиб тикув машинаси олиб берганман. Шундан буён ҳар байрамда рўзгор эҳтиёжига зарур бўлган бирор буюм совға қиламан, бундан ҳамма хурсанд, рўзгор ҳам бўт.

Қизалоқ невараларимга шойр ва ёзувчиларнинг чиройли суратлар билан безатилган рангли китобчаларни олиб келиб бераман. Улар байрам дастурхони атрофига йиғилганимизда ойжону бувижонларига ёдлаган шеърларини айтиб берадилар. Бу йил байрамда қизларимиз уйда сумалак қилиб, маҳалладаги ёши улуг онахонларга, кўни-қўшчиларга тарқатишни ният қилишган.

Қайрат Ҳужаниёзов,

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фанлар Академияси археология илмий-текшириш институти Қорақалпоғистон бўлими мудир:

— Мен 40 йилдан ошқик вақт мобайнида қадимги Ҳоразм давлатчилиги ҳудудларида олиб борган археологик тадқиқотларим натижасида бир ҳақиқатга амин бўлдим: милoddан олдин ҳам, милoddан кейинги даврларда ҳам жамиятда аёлнинг роли беқийёс бўлган.

Буни милoddан олдинги II-I асрларда бунёд этилган Ақчахон қалъаси деворларидан топилган, одам бўйи баробарида қизилган хотин-қизларнинг рангли суратлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қасб тақозоси туфайли баъзан бир неча ойлаб экспедицияда юришга тўғри келади. Ҳар гал уйга совға-салом билан тўлиб-тошиб қайтаман, менинг келишим оиламиз учун байрам бўлади. Турмуш ўртоғим, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи Умидахон Шарипова билан икки ўғил, бир қизни тарбияладик, улар грант асосида олий маълумотли бўлишди. Ширинтойгина қизалоқ неварам бор, менга ўхшаб тарихчи бўлмоқчи. Оила бахти, шукроналик шу-да.

Абдиолим Эргашев,

Қарши давлат университети доценти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, «Жасорат» медални соҳиб:

— Инсон кўнгли эзгулик бўлогидан сув ичиб роҳатланади. Кимгадир бахтиёрлик улашиш, кимнингдир сен туфайли шодланиши борлигини яратиб, ҳаётингни янада нурлантиради. Байрамлар эса мана шу туйғуларни намоён этиш имкониятини беради.

Шарқда қадим-қадимдан аёлни эъзозлаш, эҳтиром кўрсатиш анъананага айланган. Мен учун қадрли бўлган дилбар аёлларимизни қалбимнинг туб-тубида асраган тилаклар билан қутларканман, аввало умр йўлдошим, қизларим, сингилларим, шогирдларим, барча-барчаларининг кўнглиларини олишга, уларни қувонтиришга ҳаракат қиламан.

Яқинларига, дўстларига, умуман одамларга яхшилик ва хотиржамлик улашиш инсоннинг қалбини қанчалар поклайди, юксалтиради. Энди буни бутун мамлакат миқёсида тасаввур қилсак, унинг замирида аёлга эҳтиромдек эзгулик қуёши порлаб турганини юрак-юрақдан ҳис қиламиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
ва Озода БЕКМУРОДОВА
ёзиб олди.

Сиз азизсиз, мўътабарсиз...



Сарвиноз Курбонбоева,

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси борткузатувчи-инструктори:

— Стюардесса, яъни борткузатувчи ишига кўпчилик қизлар қизиқиш ва ҳавас билан қарайди. Лекин бу касб нафақат жозибали, балки машаққатли ва масъулиятли эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Отам авиация соҳасида ишлаганлари боис, мен ҳам ёшлигимдан шу соҳага қизиқанман. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида инглиз филологияси факультетини тугатгач, махсус курсда ўқидим. Барча тайёргарликлардан ўтгач, ишга қабул қилиндим.

Дарвоқе, стюардесса латофатли, ўзбекрус-инглиз тиллари ва Ватанимиз тарихини яхши билиши билан бирга соғлом ҳам бўлиши керак. Миллий авиакомпаниямизнинг самодига қизлари ширинсўзлиги, чиройли табассуми ва намунали хизмати билан ажралиб туришади. Хорижий меҳмонларнинг Ўзбекистон ҳақидаги илк фикри, тасавури бизни кўриб пайдо бўлади. Айтгандек, борткузатувчиларини келин қилган одам сира афсусланмайди, деб ўйлайман.

Сарвиноз Курбонбоева,

Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати, шохмат бўйича Ўзбекистон ва Осиё чемпиони:

— Шохмат тахтасини ҳаётга қийёслашди. Болалигимдан мана шу катаклар сеҳрига маҳлиё бўлиб улғайдим. Дастлаб отам билан илк машқларимни бошлаган бўлсам, кейинчалик туман, вилоят ва республика даражасидаги мусобақаларда ўзимни синаб кўрдим. Ҳар гал халқаро турнирларда қатнашар эканман, зиммамда катта масъулият турганлигини ҳис қиламан. Голиб бўлиб, юртимиз мадҳияси янграганида, ундан

битмас-туганмас куч-қувват оламан.

Бугун тенгдошларимга боқиб, қанчалар бахтиёр авлодмиз, деб ғурурланаман.

Уларга қараб, шоирнинг ушбу сўзларини айтгим келади:

Қанча кучинг бўлса, Ватан учун бер,
Қанча шонинг бўлса, Ватанини кўтар!



Нодира Ахунова,

Тошкент Ахборот технологиялари университети махсус факультети ҳарбий хизматчиси:



— Болалигимда ота-онам аёл учун оила биринчи ўринда бўлишини айтишган. Ҳарбийликка ҳавасим кучли эди, буни қарангки, ҳарбий йигитга турмушга чиқдим. Бу бир-биримизни тушуниб яшашимиз учун менга тақдирнинг яна бир марҳамати бўлди. Турмуш ўртоғим билан хизмат

тақозосига кўра кўп жойларда яшадик.

Уч нафар фарзандимиз бор. Лекин мана шу ўтган йиллар мобайнида иккаламиз ҳам бурчимизни, елкамиздаги масъулиятни унутганимиз йўқ. Ҳарбийларнинг бирор дақиқа бефарқ бўлишга, лоқайдлик қилишга ҳаққи йўқ.

Мен бахтли онаман. Юртимиз тинч, фарзандларимиз соғ-саломат улғаймоқда. Ўғил-қизларимиз камолини кўриш ҳаммамизга насиб этсин.

Алишер РЎЗИЕВ,
Озода БЕКМУРОДОВА
ёзиб олди.

РЕКЛАМА

«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонаси жамоаси

муҳтарама онахонларимизни,
қадрли опа-сингилларимизни,
дилбар қизларимизни 8 март —
Халқаро хотин-қизлар байрами
билан муборакбод этади.
Барчангизга сиҳат-саломатлик,
оилавий бахт, хонадонингизга
файзу-барака тилайди!



■ ҚУЁШСИЗ ГУЛЛАР ОЧИЛМАЙДИ. СЕВГИСИЗ БАХТ ЙЎҚ. АЁЛСИЗ ШОИР ҲАМ, ҚАҲРАМОН ҲАМ БЎЛМАЙДИ.
■ АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ, ҲАЁТ ДАВОМЧИСИ, ЮРТ КЕЛАЖАГИ.

■ АЁЛЛАР БАЙРАМИ БИЛАН БАҲОР БОШЛАНАДИ. УЛАР ТИРИКЛИГИМИЗ, ҲАЁТ ДАВОМИЙЛИГИ, МУҲАББАТ, МЕҲР, ВАФО, САДОҚАТ ТИМСОЛЛАРИДИР.
■ БУЮК ИНСОНЛАРНИ, БУЮК ОНАЛАР ДУНЁГА КЕЛТИРАДИ.



ШУКРОНАЛИК

Чехраси чароғон онахонлар

■ Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли «Нуроний» шаҳар клиник шифохонаси 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар йили тўрт минг нафардан зиёд нафақа ёшидаги кишилар йўлланма асосида ўз саломатлигини тикламоқда. Биз шифохонада даволанаётган бир гуруҳ онахонларни Халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлаб, улар билан суҳбатлашдик.



Санжар ШОТЛУДАНОВ олган сурат.

Барнохон Сатторова, 64 ёшда:
— Шифохонада даволаш сифати ва шарт-шароитлари яхши. 35 йил мактабда ўқитувчилик қилганман, асаб бўйича даволанаёпман. Дори-дармонлар бепул. Кўрсатилаётган гамхўрликлардан миннатдоримиз.

Гулмира Аҳмаджонова, 74 ёшда:
— Мен «Нуроний» жамғармаси Миробод тумани, Афросиёб маҳалласи фаолиман. Биз, кексаларга кўрсатилаётган меҳрибончиликлардан гоёта хурсандимиз. Инсултдан кейин иккинчи мартаба бу ерда даволанаётганман, бизга дори-дармонлардан ташқари алоҳида парҳез таомлар ҳам тайёрлашади, ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилаётман.

Зулфия Алламуродова, 64 ёшда:

— Кўпдан буён оёғим оғирди. Шифохонага келганимдан бир ҳафта ўтиб, мана, ҳаммаси билинмай кетди. Биз, кексаларга бўлган эътибор, яратилган шарт-шароитлар кишини кўнглини тоғдек кўтарди.

Улдона Ҳусанова, 60 ёшда:
— Оёқ-қўлим увушиб қоларди, қон босимим ҳам юқори эди. Бу ердаги шифокорлар, ҳамшираларнинг қўли дард кўрмасин, ҳозир соппа-соғман. Барча шарт-шароитлар муҳайё.

Додохон Исроилова, 62 ёшда:
— Мен бу шифохонада уч марта даволаниб чиққанман, ҳозир яна ҳўжайиним билан даволанаёпман. Барча муолажалар ўз вақтида олиб борилади, шифокорлар

ширинсўз, хушмуомала. Улар ҳаммаша соғ-саломат бўлишсин.

Зухра Исмоилова, 70 ёшда:

— Мен бу ерга келганимда озгина шамоллаш бор эди, яхши бўлдим. Кексаларни эъзозлашнинг ҳақиқий намунасини кўрдик бу ерда...

Дардига малҳам истаб келган беморлардан тиббий муолажа ва ширин сўзларини аямаётган бош врач Муқаллас Ризаева ва унинг муовини Дилбар Ғуломов раҳбарлигидаги чехраси чароғон шифокор ва ҳамшираларни биз ҳам байрам билан табриқлаймиз, уларнинг кексалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги эзгу ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН
ёзиб олди.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



ГАРАНТИЯ
1 ГОД

АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ И 16м³

АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³



КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОНЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ И 12м³

ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4х4) ИЛИ (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК



АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³

АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

РЕКЛАМА



«ШҲҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ»

УНИТАР ШҲҲБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан барча аёлларимизни, меҳрибон оналар, дилбар опа-сингиллар, мунис қизларимизни самимий табриклаб, уларга узоқ умр, бахт-саодат тилайди!



Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359 20995 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 21.05 Topshirilgan vaqti — 22.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)